

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИКРАМОВ АМИРБЕК АМИНОВИЧ

БОШЛАНҒИЧ СИНОФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛИ
ЎЙИНЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШИНИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации докторской философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Икромов Амирбек Аминович

Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришини
ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиб такомиллаштириш 5

Икромов Амирбек Аминович

Повышение освоения подвижных игр среди учеников начальных классов с
использованием информационных и коммуникационных технологий 21

Ikromov Amirbek Aminovich

Formation of physical concepts in secondary school pupils on the basis of a statistical
method..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИКРАМОВ АМИРБЕК АМИНОВИЧ

БОШЛАНҒИЧ СИНОФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛИ
ЎЙИНЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШИНИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped163 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сайдфаси (www.buxdu.uz) ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига joylandtirilgan.

Илмий раҳбар:

Қаҳҳоров Сиддиқ Қаҳҳорович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маъмуров Баходир Бахшудлоевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Нуруллаева Шахло Уктамовна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Ётақчи ташкилот:


Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «19» сентябрь соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел: (+99865221-29-14, факс (+99865221-29-14, Email: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (70 рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел: (+99865221-29-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «5» сентябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «5» сентябрь даги 2 -рақамли реестр баённомаси).




Б.Р.Адизов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, п.ф.д., профессор


М.Ф.Атоева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д. (PhD), доцент


Х.О.Жўраев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д. (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илғор хорижий таълим тизимларида таълим-тарбия жараёнларига замонавий педагогик технологияларни ахборот-коммуникация воситалари орқали жорий этиш амалиёти XXI асрда барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, таълим олувчиларнинг жисмоний сифатларини комплекс ривожлантириш компонентларини инновацион ёндашув асосида янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «Болага йўналтирилган таълим дастур»ларида болалар ёшини ҳисобга олиш ва мос ҳолда машғулотларни танлаш, таълим-тарбия жараёнида ахборот-коммуникацион воситалардан кенг фойдаланилаётганлиги, бошланғич синф ўқувчиларининг ҳаракатли ўйинлар ёрдамида жисмоний сифатларини комплекс ривожлантириш, жисмоний тарбия фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга.

Дунёдаги қатор илмий тадқиқот марказларида таълим-тарбия узвийлигини интеграциялаш асосида ўқитиш методикаси ва педагогик дастурий воситаларидан фойдаланиш каби йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўқувчи ёшларни камол топтиришда уларнинг жисмоний сифатларини комплекс шакллантириш, бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган ҳаракатли ўйинлар методикасини ахборот-коммуникация технологиялари компонентлари асосида ёритишга алоҳида диққат қаратилмоқда. Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмонан баркамоллашувига таъсир кўрсатувчи ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришда ахборот-коммуникация технологияларининг компонентларидан фойдаланишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш масалаларига оид чуқур ислохотлар олиб борилмоқда. Спорт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида умумтаълим мактаблари, спорт-мактаблари моддий-техник баъзаси, методик таъминоти босқичма-босқич янгиланмоқда. «Ёшларимиз ўртасида ҳуқуқий маданият, соғлом турмуш тарзини, жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилишга қаратилган ишларнинг самарасини оширишни бугун даврнинг ўзи талаб этмоқда»¹. Шу нуқтаи назардан бошланғич синф ўқувчиларининг ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришини ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиб такомиллаштириш, ўсиб келаётган авлодни чاقқонлик, эпчиллик, кучлилиқ ва сабр-тоқат каби жисмоний хусусиятларни шакллантириш мезонлари ҳамда механизмларини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимининг катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.89.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» қонуни 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 январдаги 65-сон «Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида», 2020 йил 19 ноябрдаги 735-сон «Аҳолининг соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик олимлардан Маргарет Мид, М.В. Богданов, А.В. Соловов, Пиаже Жанлар томонидан ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиб, ўқувчиларнинг жисмоний фаоллигини оширишдаги ўзига хос чاقқонлик, эпчиллик, кучлилиқ ва чидамлилиқ каби жиҳатлари ўрганилган².

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан В.К.Бальсевич, Е.Н.Водовозова, Н.В.Воловкин, П.Ф.Каптерева, А.Н.Ливицкий, Н.И.Пирогова, А.В.Кенеман, Д.Б.Элконинлар томонидан

² Margaret Mead Википедия. Dedicated to the children of the Guinean tribe.ru.wikipedia.org. New York. 2007. 3 p., Bogdanov V.M., Ponomarev V.S., Solovov A.V. The use of modern information technology in the theoretical and methodological-practical training of students in ELECTRONIC JOURNAL OF ACTUAL PROBLEMS OF MODERN SCIENCE, EDUCATION AND TRAINING. APRIL, 2020-II. ISSN 2181-9750.<http://khorezmscience.uz> physical education // All-Russian scientific-practical materials. conf "Physical Education and Sports on the Threshold of the Millennium." SPb. : SPb. state educator un., 2000. 2part, 23-24p.; Пиаже Жан «Психология интеллекта». – СПб.: Издательство: «Питер»2003. ISBN: 5-94723-096-8.

жисмоний тарбия машғулотида ҳаракатли ўйинлардан ўқувчиларни жисмоний сифатларини ривожлантириш масалалари тадқиқ қилинган³.

Республикамизда А.Абдуллаев, Ш.Х.Хонкелдиев, Р.Қудратов, И.И.Моргунова, К.Маҳкамжонов, Ф.Хўжаев, Б.И.Неъматов, С.У.Ибраҳимов, сингари олимлар ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш масалаларини тадқиқ қилганлар. Болалар спортини ривожлантиришда халқ миллий ҳаракатли ўйинларидан фойдаланиш масалалари Т.С.Усмонхўжаев, А.А.Пўлатов, П.Хўжаев, К.Д.Раҳимкулов, Б.Нигмонов, Р.Азизова, С.С.Тажибаев, И.Бурнашев, М.А.Аслонова, А.Мелиев, Б.Қипчоқовларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Таълим тизимида ахборот технологияларни татбиқ этиш бўйича У.Ш. Бегимкулов, Д.Н. Маматов, С.Ж.Тураев, Т.Т.Калекеев, О.Х. Тўракулов, Х.Х.Некбоевлар тадқиқот ишларини олиб борганлар⁴.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний сифатларини комплекс ривожлантиришдаги педагогик имкониятлари, ҳаракатли ўйинлардан ўзлаштиришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш методикаси монографик тарзда текширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ёш авлодда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг илмий асослари» (2017-2022 йй.) йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларининг ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

³ Balsevich V.K. Basic provisions of the concept of innovative transformation of the national system of physical culture and sports education of children, adolescents and youth of Russia // Theory and practice of physical culture. - 2002. - № 3. "Didactic-oriented (PIDN) mobile game as a means of improving education." "Features of the methodology of using moving games." 140-145p.; Каптерев П.Ф. https://ru.m.wikipedia.org/wiki/Каптерев,_Петр, Эльконин Д.Б. Психология игры. 2-е изд.-М.: Гуманит. изд. Центр Владос, 1999. -360 с.

⁴ Абдуллаев А., Хонкелдиев Ш. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. –Т., 2004.–72 б.; Қудратов Р. Енгил атлетика. Дарслик –Т., 2012.–60 б.; Моргунова И.И. “Гимнастика ва уни ўқитиш методикаси”. Ўқув қўлланма.–Б., 2011.–73 б.; Маҳкамжонов К., Хўжаев Ф. “1-синф. Жисмоний тарбия”. Ўқув қўлланма. –Т., 2011.–60 б.; Маҳкамжонов К., Хўжаев Ф. 2-синф. Жисмоний тарбия. Ўқув қўлланма. –Т., 2008.–44 б.; Маҳкамжонов К., Хўжаев Ф. 3-синф. Жисмоний тарбия. Ўқув қўлланма. –Т., 2010.–137 б.; Маҳкамжонов К., Хўжаев Ф. 4-синф. Жисмоний тарбия. Ўқув қўлланма. –Т., 2009.–83б.; Хўжаев П., Раҳимкулов К., Нигмонов Б. Ҳаракатли ўйинларни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Т., 2012.– 30 б.; Неъматов Б.И. Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари шуғулланувчиларини ғовлар оша югуриштехникасига ўргатиш методикасини такомиллаштириш: пед.фан.ном.дисс.–Ч., 2019.–100 б.; Ибраҳимов С.У. Узлуксиз таълим тизимида “Уч босқичли спорт мусобақалари” ёрдамида ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантириш параметрларини кенгайтириш механизмлари. Пед.фан.ном.дисс.–Т., 2019.45 б.; Keneman A.V., Huxlayeva D.V. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarni jismoniy tarbiyalash nazariyasi metodikasi. – Т.: O‘qituvchi, 1988. – В.157. Usmonxo‘jayev T., va b. Kichkintoylarga 200 ta harakatli o‘yinlar.–Т., 2009.– 114 б.; Усмонхўжаев Т.С., Хўжаев Ф. Harakatli o‘yinlar. – Т.,1992. –165 б.;

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф ўқувчиларининг ҳаракатли ўйинлар воситасида педагогик хусусиятлари мазмуни, жисмоний сифатларини комплекс ривожлантириш компонентлари ҳамда таълим-тарбия узвийлигини интеграциялаш асосида аниқлаш;

умумий ўрта таълим бошланғич синф ўқувчилари томонидан ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришда ахборот-коммуникация технологияларининг компонентларидан фойдаланиш, ўқитувчининг компетенцияларини ривожлантириш, педагогик дастурий воситаларидан фойдаланиш каби жараёнларни таҳлил этиш;

ҳаракатли ўйинлар ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний сифатларини комплекс ривожлантиришда инновацион технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда жисмоний тарбия фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи умумжисмоний кўрсаткичларни уларга қўйиладиган педагогик талаблар, интеллектуал, маънавий-ахлоқий, эстетик ва меҳнат тарбияси, эмоционал-иродавий каби хусусиятларни ўзаро интеграциялаш жараёни асосида исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошланғич синфларда ўқитиладиган жисмоний тарбия фани белгиланиб, Бухоро вилояти Бухоро тумани 10-сон, 24-сон, Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани 23-сон, Касби тумани 25-сон, Хоразм вилояти Боғот тумани 1-сон ва 39-сон умумий ўрта таълим мактаблари танланган.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич синф ўқувчиларига ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришда ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришнинг дидактик асослари, мазмуни, шакли, восита ва методлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анкета, сўровнома, суҳбат, кузатиш, интервью, эксперт баҳолаш, педагогик эксперимент, мониторинг, математик статистик таҳлил этиш ва компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларини ҳаракатли ўйинлар воситасида чاقқонлик, эпчиллик, кучлилиқ ва чидамлилиқ кўринишидаги жисмоний сифатларнинг педагогик хусусиятлари мазмуни ва соғлом турмуш тарзи, ишчанлик, толерантлик каби комплекс ривожлантириш компонентларини таълим жараёнида интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг ҳаракатли ўйинлар ёрдамида жисмоний сифатларини комплекс ривожлантиришнинг «Соғломлаштириш», «Ҳамроҳинга ўргат», «Ротация» каби инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш асосида жисмоний тарбия фанини ўқитиш методикаси такомиллаштирилган;

ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришда мазмунли, технологик, ташхислаш каби ахборот-коммуникация технологияларининг компонентларидан фойдаланиш, ўқитувчиларнинг лойиҳалаш, қисман изланишли, тадқиқотчилик каби компетенцияларини ривожлантириш, педагогик дастурий воситаларидан фойдаланиш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи чакқонлик, эпчиллик, кучлилик ва чидамлилиқ умумжисмоний кўрсаткичлари, малака, лаёқатлилиқ, ҳаракат техникаси, бажариш усуллари каби педагогик талаблар, интеллектуал, маънавий-ахлоқий, эстетик ва меҳнат тарбияси, жасорат, қатъийлик, ўз кучига ишонч каби эмоционал-иродавий хусусиятлар ўзаро уйғунликда муқобил қўллаш доирасини кенгайтириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жисмоний тарбия ва бошланғич синф ўқитувчилари, спорт мураббийлари, тўғарак раҳбарлари учун ҳаракатли ўйинлар воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний сифатларини ривожлантиришга қаратилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчиларини ҳаракатли ўйинлар воситасида жисмоний ва педагогик хусусиятларининг ривожлантириш параметрлари ёритилган;

бошланғич синф ўқувчиларига ахборот-коммуникация технологиялари компонентлари асосида ҳаракатли ўйинларни ўзлаштириш методикаси амалий аҳамиятга эга эканлиги асосланган;

бошланғич синф ўқувчиларининг ҳаракатли ўйинлар воситасида жисмоний сифатларини ривожлантириш имкониятлари, хусусан, таълим тизимида оммалаштириш бўйича илмий тавсиялар катта аҳамият касб этиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ва фактлар хорижий педагог-олимларнинг назарий ғояларига асосланганлиги, тажриба-синовга жалб этилган мактаблар сони талаб даражасида эканлиги, педагогик эксперимент, мониторинг, математик статистик, компонент таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларини ҳаракатли ўйинлар воситасида комплекс ривожлантириш, мазкур имкониятларни амалга оширишда қўлланилган методлар, восита ва усуллар, ахборот-коммуникация технологияларига дахлдор масалаларни тадқиқ этишга оид назарий хулосалардан педагогика ва методика йўналишларидаги ишларда илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчилар билан

жисмоний тарбия машғулотида ишлаш тизимини такомиллаштириш, бошланғич синф жисмоний тарбия фанидан машғулотлар олиб боришда ҳамда ўқув қўлланма, дарслик, мажмуалар яратишда, услубий кўрсатмалар тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларига ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришда ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик ҳамда амалий тавсиялар асосида:

умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларини ҳаракатли ўйинлар воситасида жисмоний ривожлантиришнинг чакқонлик, эпчиллик, кучлилиқ педагогик хусусиятлар мазмуни жисмоний сифатларини соғлом турмуш тарзи, ишчанлик, толерантлик каби комплекс ривожлантириш компонентлари ва тарбия узвийлигини интеграциялаш билан боғлиқ илмий натижалар ҳақидаги хулосалардан ЁА-1-9 рақамли «Аҳолининг турли қатламларида психологик хизмат кўрсатиш амалиёти» номли амалий лойиҳада (2016-2017 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 августдаги 89-03-2940-сонли маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларининг «Соғломлаштирилган», «Ҳамроҳингга ўргат», «Ротация» каби инновацион технологияларнинг самарали фойдаланиш асосида жисмоний тарбия фанини ўқитиш методикаси ва ўқув услубий таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришда умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларини ҳаракатли ўйинлар воситасида жисмоний ривожлантиришнинг янгича кўринишдаги талқинлари ҳақидаги хулосалардан ОТ-Ф1-рақамли «Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари» номли фундаментал лойиҳада (2017-2020 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 августдаги 89-03-2940-сонли маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи малака, лаёқатлилиқ, ҳаракат техникаси, бажариш усуллари умумжисмоний кўрсаткичлари педагогик талаблари ахлоқий, ақлий, эстетик ва меҳнат тарбияси, иродавий хусусиятлари ўзаро интеграциялаш ёрдамида такомиллаштирилганлиги ва ўқувчиларининг ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳаракатли ўйинларни самарали ўзлаштиришлари таъминланган;

XXI аср – ахборот технологиялари юксак тараққий этган ва бугун авлодлар унинг маълум турларидан унумли фойдаланишлари ўларок, жисмоний фаоллик улар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши кераклиги каби илмий қарашлардан «Бухоро» телерадиоканалининг «Спорт менинг тақдиримда», «Келажак эгалари» кўрсатувларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 20 августдаги № 1/199-сонли маълумотномаси). Натижада ёш авлоднинг жисмоний қобилятини ҳар томонлама ривожлантиришда жисмоний тарбиянинг ўрни муҳим эканлиги

ҳақидаги маълумотлар телерадиоканал орқали кенгроқ ёритилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза шаклида тақдим этилиб, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 та хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 138 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бошланғич синф ўқувчиларига ҳаракатли ўйинларнинг ўзлаштиришини такомиллаштиришнинг назарий-дидактик асослари**» деб номланган биринчи бобида бошланғич синфлар ўқувчиларига ҳаракатли ўйинларни ўргатишнинг ҳозирги ҳолатининг таҳлили, ҳаракатли ўйинлар турлари ва таснифи, ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари масалалари, шахснинг ривожланиши ва шаклланиши бочқичлари, ўқувчининг индивидуал фикрлаш услубини тушуниш, ёш болаларнинг мураккаб ҳаракатларни амалага ошириш имкониятлари, ўқувчилар билан олиб бориладиган ўқув фаолиятида ўқитувчининг шакли, услуби, тушунтириш услуби ва хатти-ҳаракатлари муҳим жиҳатлари орқали ёритилган.

Бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний тарбия дарсларида қадриятларга муҳаббат уйғотиш, халқ анъаналарини авайлаб-асрашга ўргатиш, кўп жиҳатдан халқ миллий ҳаракатли ўйинларидан унумли фойдаланабилишга боғлиқ. Чунки миллий ҳаракатли ўйинлар орқали бола бир томондан жисмоний билимларни эгалласа, иккинчи томондан, уни жисмоний тарбияга қизиқтириш муҳим аҳамият касб этади, бу эса, ўқувчининг мукамаллик сари интилишининг асосий белгисидир.

Ёш авлоднинг жисмоний қобилятини ҳар томонлама ривожлантириш тарбиянинг ажралмас қисми бўлган жисмоний тарбия жараёнида амалга

оширилади. Жисмоний тарбиянинг мақсади жамиятнинг соғлом, хушчақчақ, ҳар томонлама жисмоний ривожланган, меҳнат ва Ватан ҳимоясига тайёр турган баркамол авлодни тарбиялашдан иборат бўлган, узоқ муддатли, узлуксиз педагогик жараён ҳисобланади. Жисмоний тарбия олдида турган вазифаларни ҳал этишда халқ миллий ҳаракатли ўйинларини тўплаш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги бугунги кунда яққол намоён бўлмоқда.

Бошланғич синф ўқувчиларнинг ўйин фаолияти даврида боланинг ақлий фазилатлари ва шахсий хусусиятлари жадал ривожланади ва шаклланади. Ўйинда турли хил фаолиятлар мужасамлашади, кейинчалик ҳар бир фаолият тури мустақил равишда ўз маъносига эга бўлади. Ўйин фаолияти руҳий жараёнларнинг ҳам шаклланишига таъсир қилади. Айрим ўйин турлари болаларнинг барча бўғинларига мос келиши мумкин, яъни жисмоний сифатларни яхлит ҳолда тарбиялашга қаратилган ўйинлар ҳам борки, уларда турли жисмоний сифатлар кетма-кет ривожланиши мумкин. Ўйинлардаги бундай изчиллик боланинг билим савияси, дунёқарашининг кенгайиши, унинг катта ёшдаги одамларнинг турмушига чуқурроқ кириб бориши билан боғлиқдир.

Педагог олимларнинг олиб борган тадқиқотларида болалар ўйин турларига алоҳида эътибор қаратилади. Узоқ муддат давом этадиган ўйинлар мактабгача ёшдаги болалар ўйинларининг юқори босқичидир. Катта гуруҳ ёшидаги болалар ўйинларига тўғри раҳбарлик қилинса, уларнинг мустақам жамоаси юзага келади. Ролли ўйинларда болалар ҳар хил воситалардан фойдаланадилар. Ўйин жараёнида улар баъзи бир нарсаларни хоҳлаганича номлаб, фараз қилиб ўйнайдилар. Изланувчи олимларнинг олиб борган тадқиқотларига кўра, болалар ўйинларига ҳар томонлама тўғри раҳбарлик қилиш орқали уларга ўйиннинг мазмуни, ташкил этилиши, тузилиши болалар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар, ўйинларнинг ривожланиб, такомиллашиб боришига таъсирини кўриш мумкин. Шунда, болада мустақил фикрлаш ва хотирани шакллантириш бошланади. Ўйин шароитида болалар бошқа шароитларга нисбатан яхшироқ диққатни жамлайдилар ва кўпроқ эслайдилар.

Ҳаракатли ўйинларда болага онгли мақсад (диққатни жамлаш, эслаб қолиш) нисбатан илгари ва осонроқ бўлади. Ўйин шартларининг ўзи боладан ўйин вазиятига киритилган предметларга, ҳаракатларнинг мазмунига эътиборини қаратишни талаб қилади.

Диссертациянинг «**Бошланғич синф ўқувчиларига ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришда ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш методикаси**» деб номланган иккинчи бобида ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришга мўлжалланган ҳаракатли ўйинларни ўргатиш ва ўқитиш, бошланғич синф ўқувчиларига ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришда ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган.

Бошланғич синф ўқувчилари ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятларини тавсифлаш баробарида самарали натижа берган онглилик ва

фаоллик, кўргазмалилик, тизимлилик ва кетма-кетлик, мустаҳкамлик, ишончлилик, илмийлик, назариянинг амалиёт билан боғланиш, тарихийлик, изчиллик, гуманизм каби тамойилларнинг тутган ўрни ҳамда ушбу дидактик тамойилларнинг кўргазмалилик, тизимлилик ва кетма-кетлик, назариянинг амалиёт билан боғланиш, изчиллик турларидан фойдаланиб, жисмоний тарбия дарсларини компьютер технологиялари асосида ташкил қилиш имкониятлари мавжудлиги кўрсатилган.

Ўқитиш натижалари кафолатининг асоси яхлит ўқув жараёнини ташкил этувчи тезкор жавоб алоқаси ҳисобланади. Ўқув материални ўрганишда қўйилган мақсадларга йўналтирилган кундалик натижаларни баҳолаш ва таълим мазмунини бойитиб бориш талаб этилади. Шу билан бирга, таълим мақсадлари ўқитиш натижалари асосида ўқитувчининг аниқ ҳаракатлари орқали ифодаланади.

Ўқув жараёнида ахборот-таълим муҳитини ташкил этиш талаб этилади. Бу жараёнда таълим муассасаси мақсадини белгилаб олиш лозим бўлади. Педагогик фаолиятда мақсад тизимлаштирувчи вазифани бажаради. Таълим мазмуни, мақсади ва ташкилий шакллари танлашга белгиланган мақсад асос бўлиб хизмат қилади.

Бошланғич таълимда ўқийдиган ўқувчилар учун замонавий жисмоний тарбия дарсини ўтказишда электрон презентациялар яратишда АКТдан фойдаланиш зарур, бу нафақат жисмоний, балки ақлий ишни муваффақиятли бирлаштириш, ўқувчининг интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш, умумий дунёқарашни кенгайтириш, шунингдек, дарсни янада қизиқарли, тушунарли ва самарали қилиш имконини беради.

Бошланғич синф жисмоний тарбия дарслари мазмунига мос бўлган ҳаракатли ўйинлар тўғрисида қисқача маълумот, ўйин қоидалари, ўйинни ўтказиш тартиби, ўйин давомида бажариладиган ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар билан таништиришда ўқитувчи ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўтса, ўйин тўғрисида ўқувчиларда тасаввур ва кўникмаларни ҳосил бўлишига муайян даражада хизмат қилади. Бошланғич синф ўқувчиларига жисмоний тарбия дарсларида ўйинлар тўғрисида маълумотлар беришда PowerPoint, Macromedia Flash, 3D StudioMax ва бошқа дастурларда ёрқин ранглардан фойдаланиб, тайёрланган анимацияларда фойдаланиши мумкин.

Илмий тадқиқот ишлари натижасида бошланғич синф ўқувчиларига ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди (1-расм).

Мақсадли компонент.

1.1. Ижтимоий буюртма сифатида умумий ўрта таълим мактаблари Давлат таълим стандарти талаблари назарда тутилади.

1.2. Бошланғич синф ўқувчиларига ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб такомиллаштириш моделнинг асосий мақсади қилиб олинди.

2. Ташкилий компонент.

2.1. Ўқитувчиларнинг бошланғич синф жисмоний тарбия дарсларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалаларига бўлган қизиқишини ошириш, ҳаракатли ўйинларни ўзлаштириш жараёнидаги асосий муаммолари билан танишиш, ўқувчиларни жисмоний сифатларини яхшилаш.

2.2. Ўқитувчилар жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали дарсда қўйилган мақсадга эришилаётгани, тажрибани мутахассислар билан муҳокама қилиб бориш.

2.3. Ўқитувчининг дарсга назарий ва амалий тайёргарлик ҳамда таълим-тарбиянинг ташкилий шакллари бўйича янгиликлар билан танишиб бориш. Замонавий ўқув воситаларини дарс жараёнига татбиқ қилиш бўйича ўз устида ишлаш.

2.4. Жисмоний тарбия дарсларида ахборот-коммуникацион технологияларни жорий қилиш натижасида ўқув режа ва дастурларга таклиф, тавсиялар ишлаб чиқиш.

Жараёнли компонент. Жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришда ахборот технологияларини қўллашдаги шарт-шароит, ташкилий шакллар, методлар ва воситалар, босқичларни ўз ичига олади.


Баҳолаш мезонлари. Мотивацион баҳолаш мезони жисмоний тарбия дарсларида ўйинлар моҳияти ва долзарблигини англаган ҳолда ўқувчи қизиқишини оширишни назарда тутди. Фаолиятли баҳолаш мезони ҳаракатли ўйинларни амалда қўллаш кўникмасини ўз ичига олади. Креатив баҳолаш мезонида ўқувчининг ўйин турларини мустақил ўрганишига қаратилган ижодий ҳаракатларни бажариш кўникмасига эга бўлиши тушунилади.

Жисмоний тарбия дарсларида миллий ҳаракатли ўйинлар орқали болаларни халқона руҳда тарбиялашга, унинг турли шакл ва усулларини излаб топишга ўқитувчилар катта эътибор қаратишлари лозим. Мактабда жисмоний тарбия машғулотлари ва синфдан ташқари ишларда ҳаракатли ўйинларининг тўғри ташкил этилиши ўқувчининг жисмоний ривожланиши, унинг қадди-қомати ва ишчанлик қобилиятини ўстиради.

Шу билан бирга сезги органлари, мураккаб хулқ-атвор шакллари интизомлилик, қатъийлилик, меҳнатсеварлик ва бошқа инсоний фазилатларнинг ривожланишига ижобий таъсир этади. Бунда қизиқувчанлик, кузатувчанлик, бирор мақсадга қаратилганлик, мантиқий фикрлаш қобилиятининг ўсишига катта аҳамият касб этган миллий ҳаракатли ўйинлар асосида ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Тузилган модел асосида ишлаб чиқилган методлар бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний тарбия дарсларидаги ҳаракатли ўйинларни ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўзлаштиришининг самарадорлигини таъминлайди.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш**» номли учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, олинган натижаларнинг таҳлили ва уларни қайта ишлаш билан боғлиқ маълумотлар келтирилган.



1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларига ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб такомиллаштириш модели

Бошланғич синф жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларни халқ анъаналарига хурмат-эътибор, кадрлашга ўргатишда ҳаракатли ўйинларидан унумли фойдаланиш орқали амалга оширилади. Тадқиқот жараёнида бошланғич синф ўқувчиларга ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш, ўқувчиларни миллий анъаналар, урф-оддатларга мос тарбиялаш ва ривожлантиришнинг назарий асосларига таянган ҳолда тажриба-синов ишларининг ташкил этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Тажриба-синов ишларини ўтказишдан аввал қуйидаги вазифалар белгиланди:

- умумий ўрта таълим тизимида фаолият юритувчи жисмоний тарбия ўқитувчиларидан мавжуд муаммолар аниқлаштирилди;

- бошланғич синфларда жисмоний тарбия дарсларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳаракатли ўйинларни ўзлаштириш имкониятларини илмий-методик жиҳатдан ўринлилигини асослаш;

- ўқувчилар томонидан жисмоний тарбия дарсларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳаракатли ўйинларга оид танланган материалларни қай даражада назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштириш даражаларини аниқлаш;

- дастлабки натижаларни таҳлил қилиш;

- топшириқлар тизимини аниқлаштириш ва тўлдириш, уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш учун зарурий методик кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

- эришилган таълим самарадорлигининг мавжуд даражасини таҳлил этиш;

- таҳлил натижаларига кўра таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

Танланган умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида педагоги тажриба-синов ишларини олиб боришда жисмоний тарбия ўқитувчиларига тегишли синов ўтказиш учун дидактик ва тарқатма материаллар ҳамда тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган методика асосида тайёрланган дарслар ишланмалари матнлари, ўқитувчи ва ўқувчиларга бериладиган анкета-сўровнома саволлари, дарсда фойдаланиладиган ўқув воситалари тайёрлаб берилди ҳамда тизимли ҳолда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ишлари мунтазам кузатилиб, зарур маслаҳатлар бериб борилди. Ахборот-коммуникация технологияларидан жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинларга доир ҳар бир мавзунини ўтишдан олдин ўқитувчи билан ушбу мавзу мазмунини тушунтиришда кўпроқ нималарга эътибор бериш кераклиги, қандай ўқитиш методларидан қўлланиши тўғрисида амалий кўрсатма, методик тавсиялар бериб борилди.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди. Улардан таъкидловчи (2016-2017 йй.), шакллантирувчи (2017-2018 йй.), яқунловчи (2018-2019 йй.) босқичлардан иборат бўлиб, Бухоро вилояти Бухоро тумани 10-сон, 24-сон, Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани 23-сон, Қашқадарё

вилояти Касби тумани 25-сон, Хоразм вилояти Боғот тумани 1-сон, Хоразм вилояти Боғот тумани 39- сон, умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4 синф ўқувчиларида ўтказилди. Педагогик тажриба-синов ишларида кўзланган мақсад жисмоний тарбия дарсларини ўқитишнинг таклиф этилаётган усулини ўқувчиларнинг ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришда замонавий ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш асосида жисмоний сифатларини ривожлантиришга, уларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишишларига, халқ миллий урф-одат ва анъаналарига мос ҳолда тарбиялашдан иборат. Педагогик тажриба-синов ишларига оид маълумотлар умумлаштирилди ва улар математик-статистик χ^2 (Хи квадрат) ва Пирсон (χ^2) методларидан фойдаланиб, қайта ишланди. Натижалар умумлаштирилиб, жадвал ва диаграммаларда акс эттирилди (1-жадвал).

1-жадвал

Тажриба-синовишларида қатнашган ўқувчилар сони

Гуруҳлар	Жами ўқувчилар сони	Тажриба-синов ишлари олиб борилган ўқув йиллари		
		2016-2017	2017-2018	2018-2019
Тажриба	616	200	206	210
Назорат	617	201	207	209
Жами	1233	401	413	419

2-жадвал

Бошланғич синф ўқувчиларига ҳаракатли ўйинларнинг ўзлаштиришда ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш бўйича дастлабки натижалар

Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	5 баҳо	4 баҳо	3 баҳо
2016-2017 ўқув йилидаги натижалар				
Тажриба	200	47	118	35
Назорат	201	46	119	36
Жами	401	93	237	71
2017-2018 ўқув йилидаги натижалар				
Тажриба	206	54	125	27
Назорат	207	52	122	33
Жами	413	106	249	58
2018-2019 ўқув йилидаги натижалар				
Тажриба	210	65	127	18
Назорат	209	53	125	31
Жами	419	118	252	49

Бошланғич синф ўқувчиларида ҳаракатли ўйинларни ўзлаштириш кўрсаткичлари ва ривожланиш динамикаси баҳолаш мезонлар асосида таҳлил қилиниб, тажриба-синов ишларининг барча босқичларида амалга ошириб борилди, йўл қўйиладиган умумий камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш йўллари методик кўрсатмалар асосида бартараф этиб борилди.


Тажриба-синов ишларининг сўнгги босқичида тажриба гуруҳларида ўқувчиларнинг ҳаракатли ўйинларни ўзлаштириш кўрсаткичлари компонентларининг ўсишини яққол кузатиш мумкин (2-жадвал).

Олиб борилган педагогик-тажриба синов натижалари умумлаштирилиб, диаграмма кўринишида акс эттирилди (2-расм).

Диаграмма графикларидан тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган кўрсаткичларнинг орасида фарқ мавжудлигини кўриш мумкин. Тажриба-синов натижаларини ҳисоблаймиз.

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{210} (65 \times 5 + 127 \times 4 + 18 \times 3) = \frac{1}{210} (325 + 508 + 54) = \frac{887}{210} = 4,22$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{209} (53 \times 5 + 125 \times 4 + 31 \times 3) = \frac{1}{209} (265 + 500 + 93) = \frac{858}{209} = 4,10$$



2-расм. Ўқувчиларнинг тажриба-синов якунида ўзлаштириш кўрсаткичи диаграммаси

Ҳисоб-китоб натижалари тажриба гуруҳларида қайд этилган кўрсаткичларнинг назорат гуруҳларига тегишли бўлган кўрсаткичлардан катта эканлигини тасдиқлади.

Статистик аломатнинг қийматдорлик даражаси $\alpha = 0,05$ деб қабул қилинади. Тажриба-синов ишлари самарадорлигини белгиловчи сифат кўрсаткичларини ҳам топиш мумкин. Бунинг учун тажриба ва назорат гуруҳларига тегишли бўлган ўртача қийматлар ҳамда баҳолашнинг ишончли четланишларини ифодаловчи кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ҳисоблашлар

жараёнида уларнинг $\bar{X} = 4,22$; $\bar{Y} = 4,10$; $\Delta_m = 0,03$; $\Delta_n = 0,05$ га тенглиги маълум бўлган эди. Ушбу қийматларга таянган ҳолда сифат кўрсаткичлари қуйидаги формулалар ёрдамида амалга оширилади:

$$K_{ycb} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,22 - 0,03}{4,10 + 0,05} = \frac{4,19}{4,15} = 1,01 > 1;$$

$$K_{бдб} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (4,22 - 0,03) - (4,10 - 0,05) = 0,14 > 0.$$

Натижа тажриба-синов ишлари самарадорлигини баҳоловчи мезоннинг бирдан, билиш даражасини баҳолаш мезонининг нолдан катталигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида тажриба гуруҳларига тегишли натижаларнинг назорат гуруҳлари натижаларига кўра юқори эканлигини ифодалайди. Шундай қилиб, статистик таҳлил иқтидорли ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг самарали кечганлигини тасдиқлади.

ХУЛОСА

Тадқиқот доирасида олиб борилган изланишлар ҳамда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ҳаракатли ўйинлар воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний сифатларини ривожлантиришга доир дарслик, ўқув қўлланмалар, диссертациялар таҳлил қилинган ва зарурий хулосаларга келинган. Уларда умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларини ташкил этишнинг мазмуни, воситалари ва дарсларни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятларига доир назарий материаллар таҳлил қилинган.

2. Ҳаракатли ўйинлар турларининг вужудга келишига доир тарихий маълумотлар таҳлил қилинган. Тарихда қадимги байрамлар, спорт ўйинларида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланилганлиги ҳамда Шарқ алломаларининг бола тарбиясига доир маълумотлари баён қилинган. Бошланғич синфларда ҳаракатли ўйинларнинг кишилик жамияти ривожига мос ҳолда ривожланиши, турли халқ ва миллатларнинг яшаш шароитидан келиб чиққан ривожланиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

3. Умумтаълим мактаблари 1-4 синфларда жисмоний тарбия дарслари ўқув режалари таҳлил қилинган. Унда чораклар бўйича бўлимлар соатлар тақсимоти, унда ёш авлодни жисмоний қобилиятларини ривожлантиришда жисмоний тарбия олдида турган вазифалар, ҳаракатли ўйинлар турлари, улардан фойдаланиб ўқувчиларни тарбиялашга доир маълумотлар ёритилган.

4. Бошланғич синф жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари, уларнинг асосий йўналишлари, замонавий мультимедиа воситалари турлари, улардан ҳозирги вақтда таълим жараёнида фойдаланишга доир маълумотлар асосланган.

5. Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний сифатларини ривожлантиришга мўлжалланган ўйин фаолиятини асосий сабабларини ва

ўйин олдида турган мақсадларга эришишда ўйинчиларнинг муносабатларини ҳисобга олган ҳолда ўйинлар гуруҳга ажратилиши таклиф қилинган.

6. Умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган ўйинлар "Дидактик йўналишдаги ҳаракатли ўйин" концепциясининг икки асосий таркибий қисмларига мувофиқ тушунчалар мазмуни ва моҳияти диссертация муаммоси нуқтаи назаридан тавсифланган.

7. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия машғулотларини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида машғулотларни ташкил қилишда ўқитиш воситалари аниқлаштирилган.

8. Тадқиқотда жисмоний тарбия дарсларида билимларни компьютер ёрдамида бошқариш афзалликлари баён қилинди. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб бошланғич синф ўқувчилари учун таълим дастуриларни самарали амалга ошириш ва ўзлаштириш учун шарт-шароитларни таъминлашга оид вазифалар такомиллаштирилган.

9. Бошланғич синф ўқувчиларига ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди ва ўқув материалларини ўзлаштиришда ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш йўллари такомиллаштирилди.

10. Бошланғич синф ўқувчиларига ҳаракатли ўйинларнинг ўзлаштиришини ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш таълим жараёнида ижобий самара бериши илмий асосланган.

11. Бошланғич синф жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинларни ўзлаштиришда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштиришга хизмат қилиши педагогик-тажриба синов ишларида кўрсатиб берилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ИКРАМОВ АМИРБЕК АМИНОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ОСВОЕНИЯ ПОДВИЖНЫХ ИГР СРЕДИ УЧЕНИКОВ
НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ
ИНФОРМАЦИОННЫХ И КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (начальное образование)

АВТОРЕФЕРАТ

**диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD)
по педагогике**

Бухара – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогике зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.1.PhD/Ped163

Докторская диссертация выполнена в Бухарском государственном университете

Автореферат диссертации на трех (узбекском, русском) языках и резюме на английском языке размещенной на веб-странице по адресу (www.buxdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Каххоров Сиддик Каххорович
доктор педагогических, профессор

Официальные оппоненты:

Маъмуров Баходир Бахшуллоевич
доктор педагогических, профессор

Нуруллаева Шахло Уктамовна
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация:

Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится в 12⁰⁰ часов 19 июля 2021 года на заседании Научного совета по присуждению научных степеней PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 при Бухарском государственном университете (200117, г.Бухара, ул. М. Икбол, 11. Тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-27-07; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована за № 70). (Адрес: г.Бухара, ул. М. Икбол, 11. Тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-27-07)

Автореферат диссертации разослан «5» июля 2021 года

(реестр протокола рассылки № 2 от «5» июля 2021 года



Б.Р.Адизов
Заместитель председателя Научного совета по присуждению научных степеней, д.п.н., профессор

М.Ф.Атоева
Секретарь Научного совета по присуждению научных степеней, д.ф.п.н. (PhD), доцент

Х.О.Жураев
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению научных степеней, д.п.н., доцент

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Практика внедрения современных педагогических технологий в образовательный процесс в передовых мировых зарубежных образовательных системах посредством средств информации и коммуникации признана основным фактором, обеспечивающим устойчивое развитие в XXI веке и особое внимание уделяется обновлению компонентов комплексного развития физических качеств обучающихся на основе инновационного подхода. В связи с этим большое значение имеет учет возраста детей в "Детско-ориентированных образовательных программах" и выбор соответствующих занятий, широкое использование информационно-коммуникационных средств в учебно-воспитательном процессе, комплексное развитие физических качеств учащихся начальных классов с помощью подвижных игр, совершенствование методов обучения в преподавании физического воспитания.

В ряде научно-исследовательских центров мира на основе интеграции непрерывности образования и воспитания проводятся исследования по таким направлениям, как методика преподавания и использование педагогических программных средств. Особое внимание уделяется комплексному формированию физических качеств молодежи в процессе их совершенствования, освещение методики подвижных игр рассчитанных на учеников начальных классов на основе компонентов информационно-коммуникационных технологий. Отдельное значение придаётся разработке рекомендаций, направленных на использование компонентов информационно-коммуникационных технологий при освоении подвижных игр, влияющих на физическое совершенство учащихся начальных классов.

В нашей стране проводятся глубокие реформы посвященные вопросам всестороннего воспитания здорового и гармоничного поколения, его регулярному физическому воспитанию и занятием спортом. В результате коренной реформы спортивной сферы и осуществляемых мер постепенно обновляется материально-техническая база, а также методическое обеспечение общеобразовательных и спортивных школ. В частности, определены такие важные задачи как «Сегодня само время требует повышения эффективности работ, направленных на пропаганду правовой культуры, здорового образа жизни, физической культуры и спорта среди нашей молодежи»¹. В этом смысле возникает необходимость углубления научных исследований по совершенствованию овладения учениками начальных классов подвижных игр с использованием информационно-коммуникационных технологий, освещения критериев, принципов и механизмов формирования таких физических качеств подрастающего поколения как ловкость, сноровка, сила и выносливость.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б.39.

Данная диссертация в определенной степени служит выполнению задач, отраженных в законе Республики Узбекистан «Об образовании», Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5712 «Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года, №УП-6108 «О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана» от 24 января 2020 года, Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3907 «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания» от 14 августа 2018 года, №ПП-4884 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания» от 6 ноября 2020 года, Постановлении № 65 Кабинета Министров Республики Узбекистан «О широкой пропаганде здорового образа жизни и привлечении населения к физической культуре и массовому спорту в Узбекистане от 29 января 2019 года, Постановлении №735 Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по поддержке здорового образа жизни и повышению физической активности населения» от 19 ноября 2020 года и других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие диссертационного исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики. I. «Социальное, правовое, экономическое, культурное, духовно-нравственное развитие информатизированного общества и демократического государства, развитие формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Из зарубежных ученых Маргарет Мид, М.В. Богданов, А.В. Соловов, Пиаже Жан изучали такие специфические аспекты как ловкость, сноровка, сила и выносливость в повышении физической активности учащихся с использованием подвижных игр².

Из российских ученых К.Бальсевич, Е.Н.Водовозова, Н.В.Воловкин, П.Ф.Каптерева, А.Н.Ливицкий, Н.И.Пирогова, А.В.Кенеман, Д.Б.Эльконин исследовали вопросы развития физических качеств учащихся посредством подвижных игр на уроках физической культуры.

В республике вопросы развития физических качеств учащихся исследовали такие ученые как А.Абдуллаев, Ш.Х.Хонкелдиев, Р.Кудратов, И.И.Моргунова, К.Махамжонов, Ф.Хужаев, Б.И.Неъматов и С.У.Ибрахимов. Вопросы использования национальных подвижных игр в

